



# **ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ**

**РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Самарқанд, 2017 йил 16-17 май*



M.Sh. Sultanova. TA'LIM TIZIMIDA XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING ANAMIYATI .....	46
З.М. Сирождидинова. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ .....	48
Р.Ж. Курбанова. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	50
N.S. Qobilova. CHET TILINI O'RGATISHDA QO'LLANILADIGAN O'YINLARNING TURLARI .....	53
A. Муртазаева, Г. Комилова. ТИЛ ВА НУТҚ ФАРҚЛАНИШИНИНГ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ УЧУН АҲАМИЯТИ.....	55
A.F. Qorayev, G'.M. Nurmatov. CHET TILINI O'QITISHDA HOZIRGI ZAMON AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING QO'LLANILISHI.....	56
A. To'ychiev, F. Nurdinova. INGLIZ TILI MASHG'ULOTLARIDA O'QITISHNING NOAN'ANAVIY MODELLARI.....	58
Н.М. Каримова, С.Н. Бектемирова. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	60
Д.А. Тошпулатов. ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ ВА КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ .....	61
З.М. Сирождидинова, Ж.Б. Бабаджанов, С.С. Вафаева. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЙ В ВУЗЕ .....	63
M.K. Yakubova. INNOVATIVE PEDOGAGIC TECHNOLOGIES IN TRAINING FOREIGN LANGUAGE.....	65
F. Shukurov, S. Qurbonov, D.Toshpulatov. CHET TILLARINI O'RGATISHDA ZARBULMASAL VA MAQOLLARNING O'RNI .....	66
М. Бобомуродова, Н. Абдуллаева. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА БОЛА ДИҚҚАТИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	68
R. Niyazova. XORIJIY TILLARNI O'QITISH JARAYONIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH MUAMMOLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	69
Sh.F.Sultonqulova. CHET TILLARINI O'QITISHDA TEXNIK VOSITALARDAN FOYDALANISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI.....	71
Yo.D. Tashtanova. XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA TEXNIK VOSITALARNING ISHLATILISHIGA QO'YILGAN TALABLAR.....	72
D. Xoljigitova, Sh. Bazarbaeva. MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARGA CHET TILLARINI O'QITISH .....	73
V.V. Ismoilova, F.X. To'xtasinov. THE PROBLEMS OF USING PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES .....	75
М.Р. Чориева. РОЛЬ ЧТЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ РЕЧЕВОМУ ОБЩЕНИЮ НА УРОКАХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА.....	76
M.K. Yakubova. THE ROLE OF NON-VERBAL MEANS OF COMMUNICATION IN THE LEARNING OF FOREIGN LANGUAGE.....	78
А.А. Агаров, N.M.Karimova. HOW TO EVALUATE THE READING SKILL AMONG THE ENGLISH LANGUAGE LEARNERS .....	80
A.Abdiyev. PSYCHOLOGICAL FACTORS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN ANDRAGOGY .....	81
K. Rukhsatova. WRITING AS AN EFFECTIVE LEARNING INSTRUMENT .....	83

#### Adabiyotlar:

1. Nurmanov A., Ikramov I., Boynazarov F. "Yangi pedagogik texnologiyalar asoslari". - Toshkent, 2007.
2. Blank W.E. Handbook for developing competency-based training programs. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002. - 378 p.
3. Bassett G.W. Innovation in primary education: a study of recent developments in primary education in England and the USA. - London, 1998. - 207 p.

### ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

*Н.М. Каримова (СамДЧТИ)  
С.Н. Бектемирова (Челак қишлоқ  
хўжалик касб-хунар коллежи)*

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган илк "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асоси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг тайёрланиши деб белгиланди. Давлатимизнинг узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус касб-хунар таълими муҳим ўрин тутди. Ўқувчи ёшларимизнинг келажак ҳаётига бефарқ қолмаслиги ва келажакда касб танлашида, академик лицей ва касб-хунар коллежлари бевосита хизмат қилади. Академик лицейларнинг олдига қўйган мақсади таълим олувчиларни йўналишлар кесимида фанлардан чуқурлаштирилган билим бериб, олий таълим муассасаларига ёш авлод етиштириш бўлса, касб-хунар коллежларининг долзарб мақсади ўсиб келаётган ёшларни танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир нечта ихтисосни эгаллашни таъминлашдир.

Ҳозирги кунда хорижий тилларга бўлган эътибор ва талабларнинг мақсади чет тилини ўргатиш жараёнини режалаштиришдир. Хорижий тилларни ўргатиш жараёнида талаба ва ўқувчи шахсини, қобилятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Буни касб-хунар таълим муассасаларида ёрқин кўриш мумкин. Ўқитувчиларга қўйилган талаб, таълим муассасадаги ҳар бир ўрганувчи чет тилини фан сифатида эмас, балки касб сифатида ўрганишини таъминлашдир. Ўқувчи чет тилини ўрганар экан, уни назарий қарашлар билан ўргана олмайди, бироқ амалий дарслар ушбу фанни ҳаётда ишлата олишини кафолатлаши керак. Ҳар бир ўқувчи тилшунос бўлиб етишмайди, бирон бир касб эгаси бўлиши эса аниқ. Мисол тариқасида, ушбу тезкорлик билан ривожланаётган давлатимизда чет элдан келтирилган жиҳозларнинг ишлатилиш йўриқномаси чет тилида ёзилади, албатта, буни чет элдан келган мутахассис ёки ишчи ишлатмайди, уни бизнинг ёш мутахассисларимиз ишлатишади ва агарда бизнинг касб-хунар коллежларимиз етиштирган кадрлар уларнинг йўриқномаси билин таниша олмаса, шунингдек бошқара олмаса, демакки давлатимиз таълим даражаси орқада экан. Зеро, ҳар қандай давлатнинг кучи унинг, фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятига эгаллиги билан белгиланади.

Шу боис, машғулотларни режалаштиришда таълим олувчи шахснинг ривожланиши учун, унинг табиий интеллектуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қулай шароит яратилиши, ўқитувчи томонидан талаба ёки ўқувчи шахсининг мақсадлари, ҳаяжонлари, қизиқишлари, қарашларининг эътиборга олинishi, талаба ёки ўқувчининг психологик-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиниши лозим.

Хорижий тилларни ўргатишда ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти орқали амалга оширилади:

- ўқитувчи таълим олувчиларни мустақил изланишга, таҳлил қилишга, таққослашга, ўзгартиришга, билимларни мулоқот жараёнида қўллашга, ушбу жараёнда ўқитувчи ўқув жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши керак;

- таълимни жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилиш таълим олувчиларнинг юқори фаоллигини таъминлайди;

Хорижий тилларда мулоқотни ўргатиш мақсад қилиб қўйиладиган амалий машғулотларида таълим жараёнини технологиялаштириш ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида устувор йўналиш сифатида тан олинаётган коммуникатив ёндашув ташкил қилинади ва назорат остига олинади.

Хорижий тил ўқитишнинг асосларини ўргатувчи амалий машғулотлар таълим олувчиларни пассив тингловчилар сифатида эмас, ўрганилаётган материални чуқур англаш, уларни она тилидаги критериялари билан таққослаш, мустақил изланиш ва тўғри хулосаларга келиш йўллари режалаштирилган интерфаол усулларда ташкиллаштирилади.

Хорижий тилларда мулоқотни ўргатиш мақсад қилиб қўйиладиган амалий машғулотларида таълим жараёнини технологиялаштириш ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида устувор йўналиш сифатида тан олинаётган коммуникатив ёндашув концептуал тамойиллар орқали амалга оширилади.

Чет тилига бўлган ижобий қарашлар ва қилинган самарали меҳнатлар эвазига, шу кунларда академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олувчи ёшлар “Янги авлод”, яъни “English B1”, I курс, II курс ва III курс талабалари учун “Student’s book” ва “Work book” дарсликлари асосида ўз билимларини ошириб бормоқда. Янги авлод дарсликларининг афзалликлари шундаки, тил ўрганувчи ёшларимизга ҳам кундалик ишлатишлари учун ҳам соҳалаштирилган тартибда ўрганишларини назарда тутиб шакллантирилган.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни.
3. Kirkham L., Ирискулов А., Рашидова Ф. “Хорижий тиллар ўқитувчилари учун CEFR ҳақида қўлланма”, 2013. - 201 б.
4. Кўчибоев А.К. Чет тиллар ўқитишнинг амалий методикаси (Ўқув-услубий қўлланма). - Самарқанд, 2012. - 95 б.

## ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ ВА КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ

*Д.А. Тошпулатов (ТАТУ СФ)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни етказиш тўғрисида”ги Фармони, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётда тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бирига айланди. Ушбу дастур ҳужжатларда кадрларнинг мамлакатимизни иқтисодий раванқ топишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган чет тилларни ўқитишни янада чуқурлаштириш борасида қонун қабул қилиниши, яъни 2012-йил 10-декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонун, бу чет тили ўқитувчилари учун ўз билим ва кўникмаларни ривожлантириш йўлидаги муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Бугунда чет тили ўқитувчиси дарс жараёнида ўз истаган методлардан фойдаланиши мумкин, лекин ўша ишлатилаётган метод ҳар томонлама ўзига ҳам ва талабаларга ҳам қизиқарли бўлиши керак.

Нафақат чет тилида, балки ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерактив методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифоланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларни, иккинчидан, уларнинг диққатини ўтиладиган дарсни ўзлаштиришга қаратишларни таъминлайди. Чет тилида дарс ўтишда методларни шартли равишда